

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
FARG'ONA DAVLAT UNIVERSITETI

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR**

1995-yildan nashr etiladi
Yilda 6 marta chiqadi

6-2023

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

UDK:

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ОҒЗАКИ ИЖОД ВА ҚАДРИЯТЛАР ТАРҒИБИ МАСАЛАЛАРИ

¹Назаров Насриддин Атақулович,

Фалсафа фанлари доктори, Чирчиқ давлат педагогика
университети профессори. Тел: +998-90-9150288. E-mail:
nasrid@mail.ru

Annotatsiya

Ushbu maqolada ilk sivilizatsiyalarning vujudga kelishida ommaaviy axborot vositalarining qadriyatlar tarqibida ularni masalalariga e'tibor qaratiladi. Xususan, o'g'zaki ijod, jumladan o'g'zaki tarix namunalari turk xalqlar ulug'ini anglatishda muhim manbalar sifatida e'tirof etilib, uning tarqib masalalariga urg'u beriladi. Ayniqsa, o'g'zaki tarixni e'zma tarix sifatida tarannum etgan turk-rum e'zvarlarida qahramonlik, ulug'likni anglatish, elparvarlik va yurtparvarlik g'oyalar talqiniga t'ixtalanadi. Shuningdek, ommaaviy axborot vositalari orqali uzaro umumiy bulgan o'g'zaki tarix va turk qadriyatlar birligi va hamjihatlikning tarqibida muhim omil ekanligi masalalar talqin etiladi.

Калит сўзлар: *Оммавий ахборот воситалари, оғзаки ижод, оғзаки тарих, қадриятлар, туркий халқлар, манбалар, тарихий тараққиёт, ўзликни англаш.*

Инсон ва жамиятнинг шаклланиш жараёнини тадқиқ этишда оғзаки ижодда тарихий жараёнларни ўрганиб, оммавий ахборот воситаларида унинг тарғибига эътибор қаратиш аҳамиятли. Чунки, оммавий ахборот воситаларидан оғзаки ижод, жумладан оғзаки тарих материалларига таянган ҳолда ўтмиш воқеа-ҳодисалари тўғрисида билим ва тасаввурларни кенгайтириш муҳим. Шунингдек, бундай материалларни газета, журналлар ва интернет сайтларидан ўқиб, ундан хулоса ва сабоқлар чиқариш шахс, миллат ва жамият аъзоларида ўз аждодларига ҳурмат ҳиссининг юксалиши билан бир қаторда ўзликни англаш хусусиятларини ривожлантириб, туркий халқларнинг шаклланиш жараёни муштарак эканлигини идрок этиш ҳиссини юксалтиради. Оғзаки тарихни ўрганиш ва тарихга муҳаббат - тарихий онгнинг ривожига хизмат қилади. Тарихий онг - бевосита ўтмишни идрок этиб, ўтмишнинг ижобий жиҳатларидан фахр-ифтихор ҳиссини туйиш, унинг камчилик ва мағлубиятидан тўғри хулоса чиқариш лозимлиги билан аҳамиятлидир. Демак: «Тарих фани ўтмишда содир бўлган жараён ва ҳодисалар орасидаги ўзаро боғлиқлик, уларнинг илдизи, тарихни ҳаракатлантирувчи сабаблар, унинг мантиғи ва маъносини кўриш имконини беради» [1: Б. 274]. Оғзаки ижод, жумладан оғзаки тарихни ўртаниб, уни тарғиб этиш, тарихни ҳаракатлантирувчи куч - бу халқ ҳамда шу халқни улугвор зафарларга чорлашга қодир бўлган маҳоратли етакчи эканлигига яна бир бор амин бўламиз. Шу боис, оммавий ахборот воситалари орқали оғзаки ижод материалларига таянган ҳолда шахс омилини, жамоа ва жимиятга хос хусусият бўлган этник шаклланиш жараёнларини ўрганиш тарихий онгнинг ривожига муҳим

«Тарих ва миллат: ҳаёлий ўтмиш ёки объектив ҳақиқат. Бу ерда биз маълум бир этник гуруҳни шакллантирувчи тарихий хотиранинг моҳияти ҳақида муҳим саволга мурожаат қиламиз» [2: С. 7]. Инсониятнинг тарихий босиб ўтган йўлини, тарихий шаклланиш жараёнини ўрганиш муҳим бўлиб, оғзаки тарих фани бунинг имкониятларини кенгайтиради. Машҳур француз тарихчиси Эрнест Ренан: «Унутишни ёки ўз тарихини нотўғри талқин қилиш (ўз фойдасига - Н.Н) ҳам миллатни шакллантириш жараёнидаги ўзига хос омилдир, - деб атаган бўлардим» [3: Р. 18], - деган эди. Демак, тарихий камчиликларни эсдан чиқариб ёки воқеаларнинг миллат фойдасига бир томонлама талқини ҳам миллатнинг шаклланишида ўзига хос аҳамиятга эга. Бундай талқин асосан оғзаки ижод материалларида янада кўпроқ ифодаланганлигини инобатга оладиган бўлсак, оғзаки тарихнинг шахс, жамоа, этник гуруҳ ёки миллатнинг шаклланиш жараёнидаги ўрни яққол намоён бўла боради. Худди шу масалада оғзаки тарих материалларига мурожаат этгудек бўлсак, қадимги туркларнинг ижтимоий-тарихий шаклланиш жараёнларини ва бу жараёнда аждодларимизнинг маданий савияси ҳамда маънавий даражасини оммавий ахборот воситалари орқали ўрганиш муҳим бўлиб, тарихий онг ижтимоий онгнинг мукамаллигини таъминлаб боради.

Инсоният тарихий тараққиёти бевосита мавҳум, номаълум ва сирли деб ҳисобланган воқеа-ҳодисалар, жараёнлар ҳамда артефактларнинг ихтиро ва кашф этиши билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, тафаккур соҳиби бўлган инсон ихтиро этишга ҳамда ўзидан олдин ўтган аждодларидан қолган моддий ва маънавий мерос намуналари моҳиятини англашга мойиллиги билан инсондир.

Маълумки, қадриятларимиз артефактларда ҳам мужассамдир. Шу маънода, ҳар қандай артефакт мазмун ва моҳияти англунгунча сирли характер касб этиб боради. Рун (run) – қадимги скандинавия тилида сир, сирли маъноларини англатсада, фанда рун, руник тушунчалари сирли ёзув ва белгиларга нисбатан ишлатилган. "Руно - яширин, сирли, сеҳрли демакдир" [4: Р. 276].

Қадриятларимизнинг сеҳрли моҳияти ҳақида тўхталадиган бўлсак, дастлаб, «Рунлар, руник ёзувлар II-XIII асрлар мобайнида қадимги скандинав ва герман халқлари томонидан ёғочлар ва тошларга ўйиб битилган белгиларга нисбатан қўлланилган» [5: С. 545]. Лекин, дастлаб этимологик ва қўлланиш тарихи юқорида таъкидланган омил билан боғлиқ бўлсада, XVIII асрдан бошлаб, қадимги турк ёзма ёдгорликларига нисбатан фаол қўлланила бошланди. Бундай муносабатда ҳам оғзаки тарихнинг хизматлари муҳим. Туркий қадриятлар манбаси бўлган руник ёзувлар (Ўрхун-Енисей битиклари) ҳам дастлаб оғзаки тарих материаллари, яъни ўша давр зиёлилари, тафаккур аҳллари, саёҳатчилари, географларининг фикр-мулоҳазалари ва хулосалари асосида фанга кириб келишини идрок этгудек бўлсак, оғзаки ижод, жумладан оғзаки тарихнинг қадриятларимиз тарғибидаги ўрни яққол намоён бўла боради. Шу нуқтаи-назардан турк-руник ёзма манбаларига нисбатан илмий доираларда қизиқишлар орта бориб, унинг илмий муомалага кира боришда оғзаки ижод ва муносабатларнинг ўрни муҳим. Манбаларда таъкидланишича: «Руник ёзувлар оромий ёзувлари асосида битилган қадимги турк ёзувларидир» [6: Б. 545].

Туркий халқлар қадриятларининг ажралмас қисми бўлган маънавий меросининг илк босқичларини ўрганишда Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликларининг ўрни аҳамиятлидир. Гарчи илмий адабиётларда улар ёзма манбалар сифатида ифодалансада, лекин дастлаб оғзаки ижод маҳсули сифатида шаклланганлигини инobatда олгудек бўлсак, мавзумиз доирасида унинг оғзаки тарихлик моҳияти намоён бўла боради. Тўғри, белгилар ёзма манба, лекин унинг моҳиятида кўчманчи туркий халқларга хос бўлган энлар ёки тамғалар ётганлигини идрок эта борсак, унинг дастлаб оғзаки ижод маҳсули эканлигига ишона бошлаймиз. Бу белгиларга юз йилликлар давомида ҳеч кимнинг тиши ўтмасдан, ўқилмай келганлиги боис, оғзаки муносабатларда, демакки ижтимоий тафаккурда сирли моҳият касб этиб, руник деган атамани олди. «Runo - моҳияти яширин, сирли. сеҳрли» [7: Р.276]. Ва бу сеҳрли белгилар фақатгина ўн тўққизинчи асрнинг охириги ўн йиллигига келиб, оғзаки тортишувлардан ёзма манбалар сифатида ўз мазмун-моҳиятини инсониятга оча бошлади. Демак, ҳар қандай ёзма манба дастлаб оғзаки муҳокамаларда ўз ечимини излай бошлайди. «Бизнинг эрамиздаги биринчи минг йилликнинг иккинчи ярмидан бошлаб Енисей ва Ўрхуннинг юқори оқимларидаги ҳавзаларда жойлашган турк қабилалари ўзларининг ёзув тизимидан фойдаланганлар» [8: С.14]. Аждодларимизга хос бўлган ушбу тарихий ҳақиқатни оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб этиш, бугунги маънавий янгиланишлар шароитида муҳим.

Албатта, "Кўчманчилик цивилизацияси"нинг асосида дастлаб оғзаки ижод намуналари, яъни оғзаки тарих ётади. Шунингдек, инсониятга ўтов шаклидаги гумбазли иншоотлар, йилқичилик маданияти, қимиз ва ҳоказо ютуқларни берган ўзига хос цивилизация туркий халқлар тарихий тараққиётидаги маданий муваффақиятлар ҳосиласи бўлиши билан бир қаторда, муайян тарих, урф-одат, анъана ва маънавиятни ўзида мужассам этувчи цивилизация сифатида эътиборлидир. Оғзаки ижод намуналари бўлган "Алпомиш", "Гўрўғли", "Дада Қорқут" ва ҳоказо қаҳрамонлик дostonлари, шунингдек, моддий маданият намуналари ҳамда тарихий-археологик ёдгорликлар буни тасдиқлаб турипти.

Византия элчиси Приск шундай дейди: "Баъзи дарёлардан ўтиб, - деб ёзган Приск, - биз Аттила саройи жойлашган улкан бир қишлоққа етиб келдик, у ёғоч ва тахталардан моҳирлик билан қурилган. Шоҳ саройининг томи чодирлар билан ёпилган бўлиб, томлари миноралар ва минорачалар билан безатилган. Мана туркий меъморчилик! Европа бундай меъморчилик ҳақида билмас эди. Приск эса уни кўрган европаликлардан бири эди» [9].

Турклар дастлаб кўчманчи бўлиб, ўз ижтимоий-маданий ҳаёт тарзини тараннум этувчи, аждодларининг тарихий тараққиёт йўлини ифодаловчи дoston ва қиссаларни оғзаки ижод орқали тараннум этиб, инсоният маънавий цивилизацияси ривожига ҳисса қўшиб келдилар. Шунингдек, чорвачиликда маълум муваффақиятларни қўлга киритиши билан бир қаторда, моҳир металлурглари сифатида, темирни эритишни ихтиро қилиб, ундан зарурий воситалар ясашни йўлга қўйди. Металга ишлов бериш турклар моддий ҳаётидаги тараққиётни жадаллаштирди. Ва бундай ихтиролар инсоният томонидан ўзлаштирилиб, башарият мулкига айлана бошланди. Ушбу тарихий жиҳатларни ҳам оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб этиш зарурий аҳамиятга эга.

1889 йилда Россия География Жамиятининг Шарқий Сибир бўлими унинг аъзоси Н. Ядринцевни Мўғулистонга юборди, у Ўрхун водийсида Енисей ёзувларига ўхшаш ёзувларни топди. 1891 йилда В.В.Радлов ўша жойда ёзувларни ўрганиб чиқди. 1893 йил ноябрда Дания олими Вилгельм Томсон Ўрхун-Енисей ҳарфлари талқинини топишга эришди, яъни қадимги туркий белгиларни ўқишга муяссар бўлди. В.Томсон ихтироси асосида В.В.Радлов биринчи бўлиб йирик ёзувларни таржима қилди.

Маълумки, қадриятлар намунаси сифатида VI - VIII асрларга оид қадимий туркий бўлган Ўрхун-Енисей ёдгорликларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш муаммоси, уларнинг индивидуал ёки баъзи бир турк тилларига муносабати туркологиянинг энг амалий ва илмий аҳамиятга эга бўлган мураккаб ва жуда қизиқ мавзуларидан биридир. Шу боис, оммавий ахборот воситаларида қадриятларимиз сарчашмаларига эътибор бериш аҳамиятли. Шунингдек:

1. VIII аср Тўнжукў ёдгорлигининг нафақат тили ёки луғавий ва грамматик тузилиш нуқтаи назаридан, балки тарихий шаклланиш жараёнлари ҳам умумий бўлган туркий халқларнинг дастлаб оғзаки тарихи бўлган ўтмишини ёзма манбаларда ифодалаб, аждодлар тарихининг муайян қисми сифатида муҳимдир.

2. Маълумки, тарихий қадриятлар ўтмишдаги лисоний жараёнлар билан мустаҳкам алоқадор. Шу маънода қадимги тошбитиклар тили ҳам туркий тилларнинг ибтидоий сарчашмаси сифатида эътиборли. Лексик нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, ёдгорликларнинг луғат тузилишидаги ва замонавий туркий тиллардаги сўзларнинг аксарияти товуш ва маъно жиҳатидан деярли ўхшаш бўлиб, оғзаки нутқ моҳиятига мос.

3. Тошбитиклардаги матнларнинг сўз тузилиши замонавий туркий тиллардаги жумла тузиш қоидаларига жуда ўхшашлиги туркий халқлар тадрижий такомил босқичларида оғзаки тарихнинг ёзма тарихга ўтиш сифатидаги трансформациялашув, яъни маданий-маънавий жараёнларнинг ворисийлик асосида аждодлардан авлодларга оғзаки тарзда ўтиб келаётганлигини тасдиқлаб, тарихий жараёнлар, тарихий онг нафақат ворисийликда моддий омилларнинг, балки маънавий омилларнинг ҳам устуворлигини таъминлаб боради.

Қадриятларимиз тарғиби асосида тафаккурдаги янгиланишлар шароитида тарихий тафаккурни юксалтириш муҳим. Бунда, илк ўрта асрларда, хусусан VI-VIII асрларда яшаган туркларнинг ҳаёти, турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари, маданияти тўғрисидаги дастлаб оғзаки ижодда, сўнгра ёзма манбаларда ифодаланганлиги жиҳатларини оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланиб, жамият тафаккурини юксалтириш зарурий аҳамиятга эга.

Туркий халқларнинг илк тарихи ҳақида гап кетганда бу борадаги дастлабки маълумотларни оғзаки ижод (қаҳрамонлик дostonлари, терма ва тўртликлар, мақол-маталлар) намуналари билан бир қаторда ёзма манбалардан, яъни хитой манбаларидан, яъни уларнинг илк тарихий даврларга оид хронологик маълумотлари, саёҳатчилари томонидан қолдирилган маълумотлардан топсакда, лекин ҳақиқий турк тарихининг нисбатан мукаммал ёзма ёдгорликлари бевосита оғзаки тарихнинг ёзма тарих сифатидаги ифодачиси бўлган Ўрхун-Енисей битиктошлари билан боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Том 8. - Тошкент: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси», 2004. - Б. 274.
2. Исхаков Д.М., Измайлов И.Л. Этнополитическая история татар. - Казань: Школа, 2007. - С. 7.
3. Renan E. Qu'est-ce qu'une nation? Nationalism. Ed.By J.Hutchinson and A.D.Smith. Oxford; New York, 1994. - P. 18.
4. Arntz H. Handbuch der Runenkunde. - Halle, 1944. P. 276.
5. Словарь иностранных слов и выражений. Автор-составитель Е.С. Зенович. - Москва: Олимп: ООО «Фирма «Издательство АСТ», 2000. - с. 545. (-784 с.)
6. Словарь иностранных слов и выражений. Автор-составитель Е.С. Зенович. - Москва: Олимп: ООО «Фирма «Издательство АСТ», 2000. - с. 545. (-784 с.)
7. Arntz H. Handbuch der Runenkunde. - Halle, 1944. P. 276.
8. Батманов И.А., Арагачи З.Б., Бабушкин Г.Ф. Современная и древняя Енисеика. - Фрунзе: Изд-во АН Киргизской ССР, 1962. - С. 14
9. <http://uhhan.ru/news/2019-02-05-16468>
10. Радлов В.В., Мелиоранский П.М. Древне-тюркские памятники Кошо-Цайдам. - Санкт-Петербург: Типография императорской Академии Наук, 1897. - С. 23.